

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«_____» МЧЖ директори

(имзо)

(Ф.И.О)

«_____» _____2019й.

Гўзаллик салонини ташкил этиш бўйича

БИЗНЕС-РЕЖА



2019 й.

1. КИРИШ

Бизнес-режа гўзаллик салонини очиб, аҳолига салон хизматларини кўрсатишнинг иқтисодий фойдалилигини аниқлаш мақсадида Тадбиркор _____ томонидан ишлаб чиқилди.

Молиявий-иқтисодий ҳисоблардан, бозор таҳлили, намунавий ўхшаш корхоналарининг ишини ўрганиш таҳлилидан келиб чиққан ҳолда лойиҳа ташаббускори ушбу лойиҳанинг иқтисодий фойдалигига ишонади.

Бизнес-режа тузишда иш тартибида тўпланган маълумотлардан иборат: объектнинг жойлашиш манзили, ташаббускор ҳақида маълумот, асосий режалаштирилган иқтисодий кўрсаткичлар, сарифланадиган маблағларнинг ҳисоби ва бошқа маълумотлар.

Лойиҳа бўйича хизматлар баҳолари, хом ашё ва бошқа материаллар баҳолари 2018 йил 1-январь ҳолатига ўтказилган тадқиқот натиijasида ҳисобга олинган. Кунлик бир сменалик иш тартибидан келиб чиққан ҳолда йилига 300 иш куни ҳисобланган.

2. РЕЖАНИНГ МАҚСАДИ

Лойиҳанинг асосий мақсади гўзаллик салонини ривожлантириш ва салон хизматларини бозорга таклиф қилиш орқали рақобатни ривожлантириш бўлиб топилади.

2. КОРХОНА ҲАҚҚИДА МАЪЛУМОТ	
Корхона номи:	
Ташкилотчининг-ҳуқуқий формаси	<input type="checkbox"/> яқка тадбиркор <input type="checkbox"/> агрофирма <input type="checkbox"/> кичик корхона <input type="checkbox"/> маъсуляти чекланган жамият <input type="checkbox"/> фермер хўжалиги <input type="checkbox"/> деҳхон хўжалиғи <input type="checkbox"/> ойлавий корхона
Рўйхатдан ўтган сана:	
Юридик манзили:	

Банк реквизитлари:	Банкнинг номи: _____ х/р: _____ ИНН: _____ МФО: _____ ОКОНХ: _____
Раҳбари	
Тел.:	

Тадбиркор гўзаллик салони хизматларини кўрсатиш, замонавий технологиялар орқали хизмат турларини ривожлантиришни ҳам ифодалаган.

Тадбиркорнинг бошқариш даражаси режа таклифига жавоб беради.

3. РЕЖА СТРАТЕГИЯСИ

Бизнес-режа _____

(манзил)

Гўзаллик салонини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ҳудудда бу соҳада ишлаб турган тадбиркорлар ва кичик корхоналарга кўплигига қарамасдан ушбу соҳанинг янада ривожланиши кутилмоқда. Ўзига яраша шу соҳанинг қийинчиликлари маҳсулотларнинг ва хизматларнинг сифатига катта таъсир кўрсатади. Маҳсулотларнинг ва хизматларнинг паст даражадаги сифати ишчиларнинг билим даражасининг етарли емаслигидан ва моддий-техник тарафдан таъминланмаганликдан дарак беради. Айниқса, ушбу муаммоларнинг таъсирин гўзаллик салони соҳасида кўрсак бўлади.

Изланиш ишларини ўрганган ҳолда тадбиркор келажакда ушбу соҳада ўсиш, технологик янгиланиш ва маҳсулот, хизмат сифатининг кўтарилишига катта потенциал бор эканлигига ишонч билдиради.

Лойиҳа дойрасида қуйдаги хизматларни кўрсатиш назарда тутилган:

- Аёллар сочини олиш
- Маникюр
- Педикюр

Ушбу режа доирасида қуйдаги ишларни амалга ошириш назарда тутилган:

- Соч олиш ускуналарин сотиб олиш;
- Мебеллар сотиб олиш;
- Шампунь, сочик, краска, гель, прелесть, совун;
- Инвентарлар сотиб олиш.

Ташкиллаштириш ишлари учун умумий молиявий ҳаражатлар корхона ҳисобидан қопланади.

4. БОЗОР

Юқорида айтиб ўтилгандек, бугунги кунда ўзига яраша бир қанча қийинчиликлар бор эканлиги аниқланди. Ушбу қийинчиликлар маҳсулот ва хизматларнинг сифатининг паслигидан келиб чиқади.

Тадбиркор бу қийинчиликларни замонавий технологияларни қўлланиши орқали сифатли ва замонавий маҳсулот ёки хизматларни тайёрлаш, янги технологияларни ўрганиш орқали сифатли маҳсулот етиштиришни режалаштирган. Ушбу иш-ҳаракатлар орқали бозорга тез кириб келишни, рақобатни енгишни ва ўз харийдорларига эга бўлишига имконият яратади.

Рақобат кўплигига қарамадан, халқ сонининг кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, истеъмолчилар сонининг кўпайганлигига эътибор қаратиб, ўзининг маҳсулотлари ва хизматларига

бўлган талаб ҳалиям кучайиши ва тадбиркорнинг лойиҳаси амалга оширилишига асос яратади.

Рақобатни енгишнинг стратегияси юқори даражадаги маҳсулот ва хизматлар сифатлари, махсус ва қўлай нарх сиёсатини юритиш орқали шаклланади.

Ҳукуматимиз тарафидан қишлоқ жойлардаги тадбиркорлик соҳаларига эътиборни йилдан-йилга кучайтириб бормоқда. Йилдан-йилга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган эътибор кучаймоқда. Шуларга далил мақсадида 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йили», 2018-йилни «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб номланганлигин мисол этиб келтирсак бўлади.

Йилдан-йилга кичик бизнеснинг ҳудуддаги ялпи маҳсулоттаги улуши ортиб бормоқда, кўплаган чет эл инвесторлари ўз бизнесини республика ҳудудида бошламоқда. Ушбу лойҳанинг энг аҳамиятли тарафи янгидан бўш иш ўринларининг яратилиши, бу дегани ҳудудтаги яшовчи фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ўсиши ва сотиб олиш қобилиятининг ўсиши булиб топилади.

Маҳсулот ва хизматлари сифатининг яқшилигин, ҳудуддаги фуқароларга сотиб олишда қийнчилик тўғдирмайдиган ва бозорнинг катталигин ҳисобга олган ҳолда тадбиркор ушбу лойҳани амалга оширишга ишонч билдиради.

Асосий мижозлар ҳудудимизда яшовчи фуқаролар.

Ушбу соҳада раҳобатбардош корхоналар тарафидан реклама юргизилмаслиги, реклама орқали маҳсулот ва хизматларни яратиш маркетинг стратегиясининг таркибига кирганлиги бизнес режа натижалигига ишончни янада орттиради.

5. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Хизмат кўрсатиш дастури ушбу соҳага мос бўлган юргизиш талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган.

Лойиҳа доирасида махсус ускуна ва хом ашёлар сотиб олиш режалаштирилган.

Тўлиқ хизмат кўрсатиш ҳисоблар қўшимчаларда келтирилган.

Хизмат кўрсатишга керакли маҳсулотларни етказиб берувчи шерик тадбиркорлик субъектлари ўзларини маҳсулотларига кафиллик беришида ва кадрларни ўқитиб тайёрлашга ёрдам беришига тайёр.

Кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш ишлаб чиқариш жараёнида маслаҳат ва кўрсатиш йўллари орқали амалга оширилади.

6. РЕЖАНИ АМАЛГА ОШИРАДИГАН МАНЗИЛ

Режа _____

(манзил)

манзилда амалга ошириш режалаштирилган.

7. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ

Лойиҳа бўйича бошқарувчи хизматкор тадбиркорнинг ўзи бўлиб, яна 2 нафар колледж битирувчиси ёки ишсиз фуқарони ишга қабул қилиш режалаштирилган.

8. МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Лойиҳанинг ҳамма молиявий режалари қўшимчада келтирилган жадвалларда ифодаланган.

9. ХУЛОСА

Ҳисоб китобларнинг натижалари ушбу режанинг амалга оширилишида 1,5 йил ичида катта натижаларга еришишни ва янгидан иш ўринларин яратишга еришишни кўрсатади. Келажакта кредит, ёки шерикчилик ёрдам орқали қўшимча режаларни амалга оширишга мустаҳкам асос яратади. Режа аниқ мақсад ва натижаларни ифодалаб амалга оширишга катта ёрдам кўрсатади.

Ушбу режанинг муаллифлари ва қатнашчилари режанинг мақсадли ва кераклигига ишонади.